Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА
3 МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!
4 Қилмиш қидирмиш ОШҚОЗОНДАГИ ОҒУЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 14 январ, жума №8 (840)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз қадрдонларим, азиз дўстларим!

Халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари бўлган сиз, азиз аскарлар, сержант ва прапоршчикларни, офицер ва генералларни, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни буюк сана - Ватан Ҳимоячилари куни билан чин юракдан самимий муборакбод этаман!

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, уни том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўгитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», деган сўзларида теран маъно мужассам.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темурмалик, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Бугунги кунда шуни ифтихор ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдига қўядиган талабимиз ҳаммага маълум - бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва энг юксак мезонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.

Биз ўз армиямизни келгусида фақат профессионал армия сифатида кўрамиз. Ўзини мана шу она заминнинг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йигит учун армия, Қуролли Кучлар сафида хизмат вазифасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурчга айланиши даркор. Шу эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямайди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган фожеали воқеалар, Қирғизистон жанубида ҳамда Тошкент вилоятида рўй берган воқеалар бизнинг Қуролли Кучларимиз, барча қўшин турлари жонажон Ватанимизга, она еримизга таҳдид солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қатъий зарба беришга қодирлигини, юртимизнинг муносиб ҳимоячилари эканлигини яна бир бор намоён этди.

Кимда-ким бизнинг муқаддас заминимизга нопок, ғаразли ниятлар ва таҳдидлар билан қадам босса, юртимиз атрофида ғаламисларча кўз олайтириб юрган бўлса, билиб қўйсинки, биз уларга қатъий зарба беришга ва ўз сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга қодирмиз. Бунинг гарови эса сиз - менинг мард ва жасур ўғлонларим.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, қутлуғ байрам билан табриклайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

### *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 21 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**Н.Комилов**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**С.Қ.Хусеновни Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Самойдин Қосимович Хусенов Бухоро вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Ш.М.Мирзиёевни Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Э.М.Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Уммат Маматқулович Мирзақулов Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**И.О.Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Ислом Олимович Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Т.О.Жабборовни Наманган вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Тўлқин Отахонович Жабборов Наманган вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 январ.

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Ж.Норалиевни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Жўра Норалиев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 январ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўн йилдан ҳам камроқ вақт мобайнида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор, минтақавий ва халқаро ишларда юксак обрў-эътиборга сазовор давлат бўла олган замонавий Ўзбекистон эришган барча ютуқларни Россиядагилар Сизнинг номингиз билан боғламоқдалар.

Ишончим комилки, Ўзбекистондаги самарали учрашувларимиз чоғида эришилган аҳдлашувлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, бу муносабатлар стратегик шериклар ва иттифоқчилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ҳамда икки томон манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида қурилмоқда.

Меҳмондўст республикангизда бўлган вақтимни ғоят илиқ хотиралар билан эслайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, сиёсий умрбоқийлик ва бунёдкорлик фаолиятингизда янги-янги зафарлар тилайман.

Эҳтиром ила,

**В.ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти Вазифасини Бажарувчи**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сизни сидқидилдан муборакбод этаман.

Сизнинг Президент сайловидаги ғалабангиз қардош Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, жамиятни демократиялаштиришга, теран ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган йўлингизни қўллаб-қувватлаётганлигидан яққол далолат беради.

Озарбойжон ва Ўзбекистон халқлари кўп асрлик тарихий илдизлар билан боғланган. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик, шериклик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ривожланиб, мустаҳкамланаверади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва давлат ишларидаги фаолиятингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сайловда ғалаба қозонганлигингиз муносабати билан самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Бу сайлов Сиз қардош ўзбек халқининг юксак ишончига сазовор бўлиб келаётганингизни яна бир бор тасдиқлади. Ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқли шериклик ва яхши қўшничилик давлатларимиз ўртасидаги муносабатларга хос бўлиб, бу муносабатлар икки қардош халқ олдида ишончли ва порлоқ истиқболларни очмоқда. Биз, Туркманистон аҳли, яхши англаймизки, Туркманистон-Ўзбекистон алоқалари кўп жиҳатдан Сизнинг, азиз Ислом Абдуғаниевич, манфаатдорлик билан муносабатда бўлишингиз ва эзгу иродангиз туфайли шундай ривож топди.

Сизни яна бир бор қутлайман ва мустаҳкам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни чин дилдан муборакбод этаман.

Сиз Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланишингиз билан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликдан иборат анъанавий муносабатлар халқларимиз бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам тобора мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверишига ишончим комил.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизга янги-янги муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг биродар халқига равнақ ва омонлик тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

## ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақил Ўзбекистон халқи, мамлакатимиз Қуролли Кучлари жангчилари шонли сана - Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг саккиз йиллигини кенг нишонламоқда.

Пойтахтимизнинг байрамона безатилган «Туркистон» саройига уруш ва меҳнат, Қуролли Кучлар фахрийлари, Мудофаа ва бошқа вазирлик, идора ҳамда ташкилотлар, олий ҳарбий ўқув юртлари,-жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар тўпланди. Бу ерда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини республика мудофаа вазири, генерал-полковник Ҳ.Турсунов ўқиб эшиттирди. Сўнгра, мудофаа вазири шонли сана тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари - мамлакатимиз Қуролли Кучлари ўтган саккиз йил мобайнида мураккаб, айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда шонли армиямиз Ўзбекистон Республикаси Президенти; Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг кўрсатмаларига биноан ривожланмоқда ва такомиллашмоқда. Мамлакатимизда ҳарбий соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Халқ билан армия бирлиги тобора мустаҳкамланмоқда, жангчиларнинг сиёсий ва жанговар тайёргарлигида юқори натижаларга эришилаётир, Қуролли Кучлар сафига йил сайин кўплаб ёш аскарлар келиб қўшилмоқда. Қуролли Кучларимиз бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг, тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкам кафолатидир.

Йиғилишда Йўлбошчимизнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги посбонлари бўлмиш Ватан ҳимоячиларига, уларнинг жанговарлик қобилиятини янада оширишга, давлатимизнинг мудофаа қудратини кучайтиришга доимо эътибор бераётгани алоҳида таъкидланди. Қуролли Кучларимизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун Ислом Каримовга самимий ташаккур ва чуқур миннатдорлик изҳор қилинди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.





*Республикамиз меҳнаткашлари Янги йилнинг дастлабки кунларидан зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Садоқатларини амалий фаолият орқали намоён этаётганлар орасида Нукусдаги «Катекс» ҳиссадорлик жамияти моҳир ишчиси Санобархон Холмирзаева (чапда) ҳам бор*

*«Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти мураббийси Гулсара Хўжамбердиева ишни сифатли бажаришда, лаёқатли шогирдлар тайёрлашда намуна бўлмоқда.*

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ** олган суратлар.

## ЎН БЕШ МИЛЛИАРДЛИК БАЙРАМ

Янги минг йилликни тантана қилиш бўйича дунёнинг катта шаҳарлари ўртасида кечган «беллашувда» Буюк Британия пойтахти - Лондон энг олдинги ўринлардан бирида экани шубҳасиз. Маълумотларга қараганда, бутун Буюк Британия бўйлаб янги минг йиллик тантаналари учун ўн беш миллиард АҚШ долларига яқин пул сарфланган. Бутун Лондон бўйлаб эса умумий оғирлиги 40 тоннадан зиёд мушаклар отилди. Шаҳар аҳли бундай тантанани 1953 йилдаги тож кийдириш маросимидан буён кўрмаган.

Лондонда 2000 йилга ҳақиқатдан ҳам алоҳида ҳозирлик кўрилди. Бутун дунёга роса овоза қилинган «Миллениум уйи» («Мингйиллик уйи»), Темза дарёсида гулхан оқиши янги йил учун мўлжалланган совғалар эди. Афсуски, режадаги ишларнинг ҳаммаси амалга ошмади.

Темза устига қурилган «Миллениум чархпалаги» хавфсизлик талабларига жавоб бермагани сабабли ишга туширилмади. Ўзи бошиданоқ унинг қурилишига анча қаршиликлар бўлганди. Ҳатто қуриб битирилгандан сўнг мамлакатдаги экология муҳофазаси тарафдорларининг айримлари чархпалак тепасига чиқиб олиб, ундан бир неча кун тушмасдан ўз норозилигини билдирди. Лекин шаҳар мулозимлари саъй-ҳаракатлари натижасида чархпалакни ишга туширишга қатъий қарор қилинган эди. 30 декабр куни эса мутахассислар чархпалак хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги боис уни ишга тушириш мумкин эмаслигини маълум қилди.

Янги йил учун иккинчи «сеҳрли совға» Темза дарёсидаги сувнинг гулханга дўниб оқиши ҳам амалга ошмади. Мутахассислар муайян кимёвий моддалар ва мушаклар ёрдамида томошабинларга Темза дарёси сувида маълум муддат олов оқаётгандек тасаввур уйғотиб, томоша кўрсатишни мўлжаллаган эди. Лекин режа амалга ошмади.

Шу тариқа меридиан чизиғи ўтган Гринвич шаҳарчасида бунёд этилган «Миллениум уйи»гина лондонликлар учун ягона совға бўлди. Лекин янги йил куни уни томоша қилиш ҳаммага ҳам насиб этгани йўқ. У ерга кириш учун аввалдан 10 мингта чипта сотилган эди. Ҳар нима бўлганда ҳам, шимолий ирландиялик кўпорувчиларнинг «Миллениум уйи»ни портлатиш тўғрисидаги овозалари ёлғон бўлиб чиққани анча қувонарли.

**Фарҳод АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**
**ЛОНДОН.**

## ЎЗИМИЗНИНГ ҲАМ ЦЕЛЛЮЛОЗАМИЗ БЎЛАДИ

Наманган шаҳрида жойлашган «Карбонам» акциядорлик жамияти истеъмолчиларни целлюлоза билан таъминлашга киришмоқчи. Уни ишлаб чиқариш учун республикамизда мўлкўл бўлган пахта момиғи асосий хомашё бўлади. Пахта момиғидан олинган целлюлозанинг бир қисми харидоргир бўлган карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқаришда қўлланилади. У халқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур бўлиб, геологик қидирув ишларда, нефт ва газ қазиб олишда кенг фойдаланилади.

Момиқдан хомашё сифатида фойдаланишнинг аҳамияти фақат унинг маҳаллий хомашё эканлигида эмас. Гап шундаки, момиқдан фойдаланиш ёғочни қўллашга асосланган шу каби ишлаб чиқаришлардан фарқли ўлароқ, экологик нуқтаи назардан зарарсиздир.

Тез орада Намангандаги «Карбонам» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қуввати янада ошади, яъни карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширилади. Янги корхона йилига 15 тонна олий сифатли целлюлоза ишлаб чиқаради. Корхона эҳтиёжи учун бунинг учдан бир қисми қолдирилиб, қолганини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Бу целлюлоза ишлаб чиқарувчи корхонани қуриш учун сарфланган маблағни қоплаш имкониятини беради.

Корхонани қуриш учун 60 миллион АҚШ доллари сарфланган. Бу маблағни корхонани замонавий техник ускуналар билан жиҳозлаган Франциянинг «СНПЕ ИНЖИНИРИНГ ДЕ'ФРАНС» компанияси ажратади.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида республикамизда фаолият кўрсатаётган «Батькивщина» Украина маданият маркази ташкил этилганининг беш йиллига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда ўзбек ва украин санъаткорлари ижросида икки миллат бастакорларининг асарлари янгради.

Тадбирда сўзга чиққанлар

## ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

«Батькивщина» маркази Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ишлар вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек, мамлакатимиздаги миллий-маданий ташкилотлар, ўқув муассасалари билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилаётганини таъкидлади. Ана шу ҳамкорлик натижасида Ўзбекистон ва Украинанинг сиёсий, маданий ҳаётига оид кўплаб тасвирий, амалий санъат кўргазмалари ташкил этилмоқда, мусиқий байрамлар, адабий кечалар, қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

# Бугун - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жорий йилда Академия офицерлари кенг кўламдаги масалаларга бағишлаб АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Белгия, Германия, Болгария, Венгрия, Латвия каби давлатларда ўтказилган турли курслар, семинарлар, симпозиумлар ва анжуманларда фаол қатнашдилар. Чет элларда тўпланган ўқув-тарбиявий жараёнларнинг ижобий тажрибаларини оқилона қўллаш, тингловчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг билимини янада чуқурлаштириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш имконини берди.

Бизни қизиқтирадиган энг асосий масалалардан бири кўпроқ Қуролли Кучлар қурилиши ва ривожининг концепцияси, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда тингловчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, ҳозирги замон тезкор ҳарбий санъат йўл-йўриқларини такомиллаштириш, хавфсизлик ва мудофаага оид сиёсий муаммоларни ўрганиш, шунингдек, ҳамкор ҳарбий операциялар ўтказиш, махсус жанговар бўлинмаларни ташкил этиш, бутлаш, қурол-аслаҳа ва техникавий жиҳатдан таъминлаш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлиги масалаларига эса алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Хорижий мамлакатлар билан ўрнатилган самарали ҳамкорлик натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий кадрлар, шу жумладан, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳарбий-илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш режалаштирилмоқда. Айнан хорижий давлатлардан тўпланган илғор тажрибаларни кенг қўллаш орқали Қуролли Кучлар Академияси қисқа муддатда республикамиздаги етакчи ҳарбий ўқув масканларидан бирига айланди. Бу эса илк битирувдаёқ қўшинларга теран дунёқарашли, ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятни таҳлил қилиш услубидан бохабар, юксак ташкилотчилик сифатларига эга малакали офицер кадрларни жўнатиш имконини берди.

**К.РАЖАБОВ,**
**полковник**
**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бошлиғининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари.**

> ***«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

## СЕРЖАНТ НИГОРА

Президентимиз — Қуролли Кучлар Бош Қўмондонининг ташаббуси билан 2000 йилни Ўзбекистонда Соғлом авлод йили, деб эълон қилиниши юртимиз ватанпарварларининг ўсиб келаётган ёш авлоди, шу жумладан, ўз фарзандлари учун ҳам ғамхўрлик қилиш ва эътибор кўрсатиш йили бўлиб қолади. Жорий йилда ҳам «Аёллар йили»да, қолаверса, «Инсон манфаатлари йили»да эзгу мақсадлар илинжида бошланган анъаналар давом эттирилиши шак-шубҳасиздир.

1999 йил мустақил Ўзбекистон тарихида Аёллар йили сифатида ўчмас из қолдирди. Республикамизнинг барча хотин-қизлари қатори Нигора ҳам давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлди. Якунланган йил Нигора учун шуниси билан ҳам унутилмаски, у ҳарбий либос кийиб, сержант унвонини олишга муваффақ бўлди. Бу воқеа унинг турмуш тарзини деярли ўзгартириб юборди. Нигоранинг қалби масъулиятли вазифаларни юклаганди.

Сержант Нигора Равшанова моҳир планшетчидир. Планшетчининг меҳнати асосан кишидан сабр-тоқатлилик, аниқлик ва тезкорликни талаб этади. Чунончи, баъзида бетиним кузатиш ва бир йўла бир нечта ҳаво нишонларини белгилашга тўғри келади. Бундай кезларда арзимас хатолик ёки харитадаги ноаниқлик қўйилган топшириқнинг бажарилмаслигига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ватан тақдири, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун фидокорлик ва масъулият ҳисси билан тўлиб-тошди. Яқин ёру дўстлари унинг анча зийрак, янада эътиборли ва ғайратли бўла бошлаганини тезда илғашди. Ҳарбий унвон унинг зиммасига талай

Даставвал Нигоранинг ҳамма иши ўнгидан келавермади. Аммо махсус тайёргарлик бўйича ўтказилган кўп соатлик машғулотларда фаол қатнашиши ҳамда тинимсиз саъй-ҳаракатлари орқали у ижобий самарага эришди. Айниқса, интилувчан сержантга Н. Жалолова, И. Ясиман каби тажрибали планшетчилар яқиндан ёрдам бердилар. Шу тариқа сержант Нигора Равшанова илғор мутахассислар сафидан муносиб ўрин эгаллади.

**Т. АБДУСАИТОВ,**
**майор.**



**М. МИРСОДИҚОВ олган суратлар.**

## АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ ҚАСАМЁД ҚИЛАДИЛАР

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат суверенитетини ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 25-модда)

«Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларга эга» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 26-модда)

Байрамларимиз сафига яна бир байрам — Ватан ҳимоячилари куни қўшилди. Ватан ҳимоячилари деганда кўз олдимизда кўркам формадаги қадди-қомати Алпомиш монанд ҳарбийларимиз намоён бўлади. Чуқуррок ўйлайдиган бўлсак аслида, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоячисидир. Шундай экан, бу байрамни том маънода умумхалқ байрами дейишга тўла ҳақлимиз.

1992 йилнинг 14 январида Олий Кенгашнинг Қарорига мувофиқ Республикамиз ҳудудида жойлашган собиқ иттифоқ қуролли кучларининг барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди.

Шу тариқа ўзбекнинг ўз армияси,Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вужудга келди. Умуман олганда, 1992 йил биз ҳарбийлар учун баракали, шарофатли йил бўлди. Мазкур йилнинг июл ойида Қуролли Кучлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»,»Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Шунинг билан биргаликда Ҳарбий Қасамёднинг янги матни ва Қасамёд қилиш тартиби тасдиқланди.

Ушбу йилнинг охирги ойида эса Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Конституциянинг 26-боби мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган бўлиб, бунда Қуролли Кучларимизнинг ҳуқуқий базаси тўла кафолатланган. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, Миллий Гвардиямиз ҳам айнан ушбу йилда ташкил этилди.

Қуруқликдаги қўшинлар,Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Миллий Гвардиядан иборат Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қисм ва бўлинмалари шахсий таркиби ўз байрамлари — Ватан ҳимоячилари кунини маҳоратлари юксалган, жанговар шайликлари янада ортган бир вазиятда муносиб кутиб олмоқда.

**А.ОБРЎЕВ, майор.**

## ДЕСАНТЧИЛАР — ЖАСУР АСКАРЛАР

Мамлакат Қуролли Кучлари сафини йилдан-йилга баркамол йигитлар тўлдираётгани қувонарлидир. Бу албатта командирларнинг эътирофи. Жанговар Қасамёдни қабул қилиб, хизматни эндигина бошлаган ёш аскарлар билан суҳбатлашганимда, юқоридаги эътироф қанчалик тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Десантчилар бўлинмасидаман. Командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари капитан Воҳиджон Тошалиев менинг мақсадимни англаб, ёш аскарлар билан суҳбатлашишимга имкон яратди. Суҳбат гали ўрта бўй, озғинроқ, думалоқ юзли бир посбонга келди. Бир қарагандаёқ унинг ўзбек эмаслигини билса бўларди. Шунинг учун мен унга рус тилида саволлар бера бошладим. Унинг исми Темур, фамилияси Геляев экан. У Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидан хизматга чақирилганлиги тўғрисида ён дафтарчамга ёзиш билан овора бўлиб турганимда бирдан:

—Ўзбекча гапираверинг, ўртоқ катта лейтенант. Бемалол тушунаман, сўзлаша оламан ҳам, — деди.

Бу сўзлари билан у мени андак ҳижолат қилди. Сездирмаслик учун ён дафтарчамга ёзишда давом этдим.

— Ўзбек тилида эркин сўзлашни қаердан ўргангансиз?

— Ота—онам ёшлигимдан: «Шу тупроқ, шу заминни сен муқаддас деб билсанг, унинг она тилини, қадриятларини ҳурмат қил», деб уқтиришган. Бу насиҳатларни ўқиб кам бўлмадим. Аввало қишлоғимда ўзбек йигитларидан кўплаб садоқатли дўстлар орттирдим. Қолаверса, юртимизнинг буюк ўтмишига ҳавасим ҳам бевосита тилни билганимдан сўнг уйғонди. Ҳатто хизматгача шу диёрдан етишиб чиққан буюк саркардалар Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур ҳақида ўқиганман. Энди хизматларим ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳозирда оддий аскар Мақсуд Бозоралиев, Жўрабек Тожимуродов, Динор Игибоев каби сафдош дўстларим билан биргаликда механик ҳайдовчи сифатида хизматни ўтаяпман. Полигонда бўлиб ўтган дала ўқув машғулотларида эришган ютуқларимдан командирларим мамнун.

**С.АЛИЕВ,**
**катта лейтенант.**

## *Мардлар қўриқлайди Ватанни!*

***Ҳеч кимга сир эмаски, биринчи галда мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлиги, қолаверса ҳимояси тўла таъминланган тақдирдагина давлат мустақиллиги тўла эътироф этилиши мумкин. Турган гапки, бунда юрт ўзининг ватанпарвар, ботир ва мард ўғлонларига таянади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиши биланоқ чегара сарҳадларининг даҳлсизлигини таъминлаш, халқ тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилувчи ўз миллий армиясини мустаҳкамлашга киришди.***

1992 йил 14 январдаги Олий Кенгашнинг қарори билан Республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлар, қўшилмалар, ҳарбий ўқув юртлари ва бошқа ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тасарруфига ўтгани тўғрисида қарор қабул қилди. Истиқлол йиллари давомида Ўзбекистон Қуролли Кучларини барпо этиш ва ислоҳ қилиш учун яна бир қанча муҳим қонун хужжатлари ишлаб чиқилди. Шу ўринда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти бугунги кунда спортнинг техник турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашдек эзгу ишларни амалга ошириш билан мамлакатимизга ҳақиқий ватанпарвар аскарлар етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Биз Сергели тумани мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» кенгаши раиси Анвар Умаров билан учрашганимизда, ҳозирги ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатлари илгаригидан кескин фарқ қилишини ғурур билан эътироф этди. - Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ёшлар собиқ мустабид тузум даврида ким учун хизмат қилган-у, ҳозир ким учун хизмат ўташликларини яхши англайдилар, - деди у.

### ҲУШЁРЛИГИМИЗ — ТИНЧЛИГИМИЗ ГАРОВИ

— Ҳарбий ҳизматга чақирилгунга қадар йигитлар нафақат жисмонан, балки маънан ҳам тайёрлаб борилади. Миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанга муҳаббат руҳини уларнинг қалбига янада чуқурроқ сингдириш мақсадида, биз «Нуроний», «Камолот» жамғармалари билан ҳамкорликда мактаб ва ҳунар-техника билим юртларида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Жумладан, буюк сиймоларимиз, халқ қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ўтган йилнинг декабр ойида туманимиздаги 20 - ҳунар-техника мактабида катта тадбир ўтказдик. Бунда тарихимизга оид ёшларнинг буюк саркардалар ҳақида олган таассуротлари уларда нафақат фахр ва ифтихор туйғуларини, балки Ватанни севиб яшамоқ, унинг учун жон фидо қилмоқнинг ўзи олий бахт эканлигини яна бир бор дилдан ҳис этдилар. Бундан ташқари Президентимизнинг «Ҳушёрликка даъват» китоби юзасидан давра суҳбатлари уюштирдик.

Энди ёшларнинг жисмоний тайёргарлигига тўхталадиган бўлсак, спортнинг бир неча ўнлаб техник турларидан ташқари ўзимизнинг миллий спорт турларига ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Коллежлар ва лицейлар ўртасида курашнинг фарғонача тури бўйича катта мусобақалар уюштирдик. Бунда Сергели туманининг 20-ҳунар мактаби ўқувчиси Ирисметов биринчи ўринни эгаллаб, фахрий ёрлиқни қўлга киритди. Мусобақага 4-маҳалла жамғармаси раҳнамолик қилди ва ғолибларга қимматбаҳо совғаларни топширди. Ўз ўрнида мусобақа ғолибларининг муносиб тақдирланиши мазкур спортга бўлган қизиқувчилар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Посбон бурчи муқаддас*

### ҒАФЛАТ БОСМАСИН!

Қизиқарли воқеалар битилган китобда «неотома» деб номланувчи каламуш душманлар хавф-хатарига қарши ининнинг оғзига тиканлар қадаб қўйиши ҳақида ўқигандим. Демакки, оддийгина бир жонзодда ҳам ўз уйини, қадрдон гўшасини хавф-хатардан сақлашга қаратилган рефлекс бор. Биз эса севгини ҳам, нафратни ҳам инсоний ўлчамларимиз доирасида намоён этамиз. Табиийки, неотома бундай туйғулардан маҳрум. Аммо ажабланарли томони шундаки, у хавф-хатарга ўзининг ҳушёрлиги билан қарши туради. Ҳа, ҳушёрлик туйғусига бежиз урғу бермаяпмиз. Демак, бу ўринда маънавий, ғоявий ҳушёрлик муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай ҳушёрликнинг етишмаслиги сабаб баъзи иродасиз, маънавияти қашшоқ ёшлар диний ақидапарастлар таъсирига тушиб қолишмоқда. Ўз Ватанига, ўз ота-онасига, суюкли ёрига қурол ўқталмоқда. Уларнинг манқуртлиги шу даражадаки, айримлари бу йўлда ўзларини ҳақ деб ҳисоблашади. Яқинда Қасамёд қабул қилиб, хизматини бошлаган аскар йигит ҳушёрликни кенг маънода англамоғи лозим. Қўлига қурол олиб, жанговар постида сергак туриши «батамом ҳушёрман» дегани эмас. Ҳушёрликни юқоридаги омиллардан келиб чиқиб кенгроқ англамоғи даркор. Мен мазкур мавзуда Боткен воқеалари авж олган вақтда жанговар вазифасини аъло даражада ўтаган посбонлар билан суҳбат қурдим. Зеро, Қирғизистон жанубидаги воқеаларда ҳам, Янгиобод воқеаларида ҳам посбонларимиз жанговар шай, доимо сергак ва ҳушёр эканликларини намоён қилдилар.

### ХОРАЗМЛИК ДЎСТИМ НАМУНАСИ

«Ҳар икки соатда жанговар постда турган қоровулни алмаштирамиз. Елкамизда қандай масъулият борлигини яхши англаганмиз. Бир дақиқага ҳушёрликни қўлдан бериш бизга қимматга тушиши мумкин. Муҳим объектни қўриқлар эканмиз, бутун борлиғинг билан сергак турмай бўларканми? Тоғнинг нариги тарафидан аҳён-аҳёнда эшитиладиган ўқ товуши янада сергаклантиради. Тоғнинг тунги ҳавоси ниҳоятда соф, бироқ совуқ этни жунжиктиради. Бирдан яқинимда бир нарса шитирлагандек бўлди. Тунги кўриш мосламаси бўлган дурбин билан атрофни кузатишга киришаман. Қандайдир ёввойи ҳайвон овга чиққандир-да, деб ўйладим дастлаб. Бирдан сергак тортдим: мабодо, уни биров чўчитмадимикин, ё менинг шарпамдан... Барибир текшириб кўриш керак. Ҳар бир бута, шох-шабба, баланд-пастликларни дурбин билан яхшилаб куздан кечирдим. Кичкина қоянинг ёнида нимадир ғимирлагандек туюлди... Синчиклаб қарайман. Қоя ёнига писиб олган шарпа секин қўзғалди. Бир қўлда дурбин, иккинчиси билан беихтиёр автомат магазинини маҳкам ушлаганман. Шарпа ҳеч ҳайиқмай постга бостириб келарди. Дарҳол Низом бўйича иш тутдим. Ортиқча қийинчиликсиз уни қўлга олдик».

Бу воқеани хоразмлик йигит Камолжон Қозоқов менга сўзлаб берди. Ҳушёрлиги ва сергаклиги учун хизматига 6 ой тўлган посбонга кичик сержант унвони берилди.

### ПИСТИРМАДАГИ ВОҚЕА

Бўлинма командири кичик сержант Келдиёр Кенжаевнинг ҳикояси эса қуйидагича:

— Тоғда пистирмадамиз. Жанговар вазифани бажариш билан ҳам ҳамкорлик қилишга тўғри келди. Жангарилар ўтиши эҳтимол тутилган жойларни сапёр дўстларимиз миналаштиришди. Бир пайт қарасак, таъқиқланган жойга бегона шахс яқинлашмоқда. Командирнинг буйруғи билан дарҳол уни қўлга олдик. Эшитишимча, қоидабузар шу ерлик фуқаро экан. Агар биз ҳушёр бўлмаганимизда, воқеа нима билан якунланишини тасаввур қилиш қийин.

### ЙЎЛНИНГ БУРИЛИШ ЖОЙИДА

«Соат тахминан 19. Эндигина постдаги қоровулни алмаштиргандим. Тоғ ён бағрига тез қоронғи тушаркан. Жанговар навбатчилигимни биринчи постда ўтаётган эдим. Асосий вазифамиз бизга топширилган ҳудудни қўриқлашдан иборат. Узоқдан машинанинг товуши эшитилгандек бўлди. Қўлимда дурбин билан ҳарчанд синчиклаб қарамай, йўлда ҳеч нарса кўринмасди. Машина яқинлашган сари двигателнинг товуши аниқ эшитилаётганди. Фақат тоғдан қайтаётган акс-садо бироз чалғитиб, шошириб қўйди. Бурилишдан кейин қоя оралаб кетган йўл бўлгани сабабли ҳам машинани кўриб бўлмасди. Эътиборимни тоғ йўлининг ўша бурилиш жойига қаратдим. Ниҳоят машина кўринди. Енгил машина экан. Қоидабузарни дарҳол тўхтатиб, Низом бўйича иш тутдим. Сергаклигимиз ва аниқ хатти-ҳаракатларимиз учун қўмондонлик томонидан муносиб тақдирландик».

Оддий аскар Алишер Юсупов ўз ҳикоясини ана шундай якунлади.



### МУДДАТИДАН ОЛДИН УНВОН БЕРИЛДИ

— Жанговар вазифа юклатилгандан кейин бўлинма посбонлари билан очиқчасига гаплашдим. Вазифанинг масъулиятини, она-Ватан ҳимояси йўлида муҳимлигини тушунтирдим. Журъати етмайдиганлар,иродаси бўшлар ҳозирданоқ айтишсин, кейин кеч бўлади, дедим. Аммо посбонлар бир овоздан Ватан учун керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр эканликларини билдиришди.

Олдимизда турган вазифа бизга бириктирилган объектни қўриқлашдан иборат эди. Посбонлар сўзи билан иши бир эканлигини исботлашди. Уларнинг ҳушёрлиги ва сергаклиги сабабли бир неча бор қоидабузарлар қўлга олиниб, эҳтимол қилинган хавф бартараф этилди. Айниқса, кичик сержант Бунёд Қаландаров, Келдиёр Кенжаев, Камол Қозоқовлар, оддий аскар Абдураҳмон Йўлдошев, Илҳом Худойбергановларни алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Командир Шуҳратжон Бегматовнинг бу сўзларига яна бир нарсани қўшимча қилмоқчи эдик. Ватан ҳимояси йўлида жанговар вазифани аъло даражада бажаргани учун унга муддатидан олдин катта лейтенант унвони берилди.

Мен уларга ҳушёрлик, сергаклик ҳақида билағонлик қилиб ваъз ўқимадим. Негаки, аскарлар энг керакли дақиқаларда она-Ватан ҳимояси йўлида доимо шай ва бедор эканликларини амалда исботлашганди.

**А.САФАРОВ, катта лейтенант.**

